П-5 Ф-2

109/М8-СОНЛИ ҲИСОБ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш. «17» Январь 2022 й.

Бундан буён матнда **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** деб аталувчи **«ABK-MEDICAL» МЧЖ** номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Тижорат бўйича директори Б.М. Джалалов бир томондан ҳамда бундан буён матнда **«ХАРИДОР»** деб аталувчи Вил Перицатал маркази номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Ф.Б. Тафаров иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Етказиб берувчи Маҳсулотни (кейинги ўринларда "Маҳсулот" деб юритилади) тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади, Харидор эса мазкур шартнома шартларига мувофиқ Маҳсулот ассортименти ва баҳосига биноан Маҳсулотни қабул қилиб олиб ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 ТАФСИЛОТЛИ РЎЙХАТ

№	Маҳсулот (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚС қўшилган етказиб бериш қиймати
						Миқдори	Баҳоси	
1	АВК-Хлорактив 1кг таблетка	шт	50	63500	3175000	15%	476250	3651250
	Жами:							3651250

1.3 Маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари ёки бошқа меъёрий ҳужжатларига жавоб бериши шарт.

2. ШАРТНОМА УМУМИЙ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг ҚҚС қўшилган умумий баҳоси 3651250 (Уч млн олти юз эллик бир минг икки юз эллик) **сўмни ташкил этади.**

2.2 Мазкур шартнома бўйича етказиб берилаётган маҳсулот учун тўлов шартнома имзолагандан 10 банк куни мобайнида ёки тўлов ҳисобини тақдим қилиш пайтидан 5 банк куни мобайнида шартнома баҳосининг олдиндан **30%**ни, қолган **70%**ни эса ҳисоб-фактура олгандан сўнг 15 календар кун мобайнида Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича маҳсулот етказиб берилиши Етказиб берувчи ҳисоб рақамига пул тушгандан сўнг 10 банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.2 Етказиб бериш шартлари – Харидор ўзининг кучи ва ҳисобидан Маҳсулотни Етказиб берувчининг омборидан олиб кетади.

3.3 Маҳсулотни қабул қилиш вақтида Харидор Етказиб берувчининг иштирокида маҳсулот бутлиги ва сифатини текшириши шарт, бундан кейин маҳсулот бутлиги учун жавобгарлик Харидорга ўтади.